

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.645.3(575,1)
37 (575.1)

Дўстмухаммад Хусан Усмон ўғли

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ
САМАРАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2012

**Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Хасанов Рустам Раббимович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Маликов Тохир Сатторович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Собиров Ойбек Шавкатбекович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси**
Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил “___” _____ соат ____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “___” _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг ривожланган давлат сифатида шаклланиши мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Бунга иқтисодий қудратли моддий-техника базасини яратиш билан бир қаторда илмий ва маънавий салоҳиятни яратиш ҳам киради. Ушбу мақсадга таълим тизимини ислоҳ қилмасдан, уни ёшларнинг қобилиятини юзага чиқаришга йўналтирмасдан, ижтимоий эҳтиёжларини тўлароқ қондирмасдан ва ушбу соҳага мўлжалланган молиявий маблағлардан самарали фойдаланмасдан туриб эришиб бўлмайди. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланган халқ таълими тизимини модернизациялаш жараёни ушбу соҳага йўналтириладиган молиявий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз И.Каримов томонидан “Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини олган шахслар керак.¹ ... “Замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш, фаолиятимизнинг бош йўналишидир”², - деган вазифаларнинг қўйилиши ҳам бу соҳа учун мўлжалланган маблағлар сарфланишига алоҳида муносабатни талаб қилади. Шунингдек, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткичнинг даражаси 3-5 фоиздан ошмаётган бир пайтда “Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил эта”³ётганлиги шароитида халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш масалалари янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Албатта, Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганлиги, шубҳасиз. Хусусан, ЮНЕСКОнинг “Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Юқоридаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда, мамлакатимиз таълим тизимини молиялаштириш соҳасида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Ўқув муассасаларида пуллик таълим хизматларининг суст ташкил қилинаётганлиги ва ривожланаётганлиги, маркетинг хизматларининг ўта пастлиги, таълим бозоридаги жиддий ўзгаришларнинг етарли даражада ўрганилмаётганлиги, тўловларнинг юқорилиги туфайли мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчиларнинг камайиб бораётганлиги, халқ таълимини давлат томонидан маблағ билан таъминлаш кўлами билан битирувчиларнинг ишга жойлашиши ўртасидаги боғлиқликнинг мутаносиб эмаслиги, халқ таълимига ажратилаётган молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст даражада эканлиги шулар жумласидандир.

2007 йил 25 февралда “Халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармонининг қабул қилинганлиги ва унда халқ таълими муассасаларини

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.331.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарқ” НМК, 1999. – Б.15.

³ “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 4 январь.

молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берилганлиги ҳам танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини янада кучайтиради.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси танланган мавзу долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ таълимини молиялаштириш масалаларининг айрим жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олимларидан Вахобов А.В., Жамолов Х.Н., Жўраев А.С., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Сафаров Ғ.А., Собиров Ҳ.Р., Турабов Б.Т., Ҳайдаров Н.Ҳ., Ҳасанов Р.Р., Қўчқоров Ж.А., Қосимова Г.Қ., Бўрибеков У.Б., Эшбаев А.Х. ва бошқаларнинг илмий изланишларида ёритилган¹. Бироқ, уларнинг барчасида халқ таълими тизими алоҳида, мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида танланмаган ва тегишли ишлар комплекс тарзда амалга оширилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Халқ таълимини молиялаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “молиялаштириш”, “самарали молиялаштириш”, “молиялаштириш самарадорлиги” ва “таълим харажатлари” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таълим тизими соҳаси хусусиятларини инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш ва уларга янгича таърифни бериш;

- халқ таълими тизимининг ҳолатини баҳолаш, харажатларини башоратлаш ва уларнинг манзилли-мақсадлигини таъминлашни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

- халқ таълими муассасалари тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- халқ таълими тизимини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар динамикасидаги тенденцияларни таҳлил қилиш;

¹ Вахобов А.В., Сирожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. - Т.: Иқтисод-молия, 2001. - 174 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т.: Фан, 2004. - 224 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод ва молия”, 2007. - 84 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. - Т.: Академия, 1999. - 192 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод ва молия”, 2009. - 554 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод ва молия”, 2007. - 244 б.; Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент: БМА, 2010. - 20 б.; Ҳасанов Р.Р. ва бошқ. Молиявий бошқарув. Дарслик. - Т.: “Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 2009. - 840 б.; Бўрибеков У. Олий ва ўрта махсус таълим тизимини молиялаштириш // Бозор, пул ва кредит, № 12, 2001. 53-54 б.; Эшбаев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2008. - 25 б.

- халқ таълими тизимини давлат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар, хорижий давлатлар грантлари ва бошқа маблағлар билан таъминлаш ва харажатларининг мақсадлилигини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

- халқ таълимини молиялаштиришни ташкил этиш йўллари такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган муассасалар тадқиқот ишининг объектини ташкил этади.

Тадқиқот предмети. Халқ таълимини молиялаштириш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар тадқиқотнинг предметиدير.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида илмий абстракция, иқтисодий-статистик таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Диссертацияда олинган натижалар ва улар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари такомиллаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар:

- “молиялаштириш”, “самарали молиялаштириш”, “молиялаштириш самарадорлиги” ва “таълим харажатлари” каби тушунчаларга таълим соҳаси хусусиятларини инобатга олган ҳолда киритилган аниқликлар;

- халқ таълими тизимининг ҳолати баҳоланган, харажатларини башоратлаш ва манзилли-мақсадлигини таъминлашни тавсифловчи ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими;

- халқ таълими муассасалари ривожланишига хос бўлган аниқланган асосий тенденциялар;

- халқ таълими тизими харажатларини самарали амалга оширишни такомиллаштиришга қаратилган йўллар, жумладан, SWOT таҳлил усули;

- халқ таълими тизими харажатларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан иборат.

Илмий янгилиги:

- мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида халқ таълими тизими харажатларини амалга оширишга оид иқтисодий тушунчаларга аниқликлар киритилган;

- халқ таълими тизимининг ҳолатини баҳоловчи ва харажатларини амалга оширишда манзилли-мақсадлигини таъминлашни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

- халқ таълими тизими ретроспектив таҳлил қилинди ва охириги ўн йил давомидаги ривожланиши учун тенденциялар аниқланган;

- Ўзбекистон халқ таълими тизими харажатларини башоратлаш ва амалга ошириш тартиблари ҳамда хорижий давлатларда таълим тизимини маблағ билан таъминлаш тажрибалари таҳлил қилинган;

- SWOT таҳлил усулида халқ таълими тизими харажатларини башоратлаш ва амалга оширишдаги кучли ва заиф томонлар, харажатларнинг истиқболини белгилаш ва амалга оширишни такомиллаштириш борасидаги имкониятлар ва

уларга таҳдид этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланган.

- Ўзбекистон халқ таълими тизимини молиялаштиришни ташкил этиш йўллариини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истиқболда диссертация ишида олинган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан халқ таълимини такомиллаштиришга қаратилган мустақил чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, халқ таълимини ривожлантириш борасидаги умумдавлат ва ҳудудий мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистонда халқ таълимини молиялаштиришни барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари ва стратегиясини тайёрлашда фойдаланиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган (2010 йил 22 апрелдаги далолатнома). Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар таълим муассасалари харажатларини самарали амалга оширишни ташкил этишда инобатга олинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий ғоя ва илмий хулосалари “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат” (Тошкент, 2009), “Двадцать второе международное Плехановское чтения” (Москва, 2009), “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш – бугунги куннинг устувор вазифаси” (Тошкент, 2009), “Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса” (Москва, 2010), “Замонавий бошқарув ва раҳбар маънавияти: назария, методология ва амалиёт” (Тошкент, 2010) мавзулардаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг натижалари ва асосий ғоялари 10 илмий мақола ва маъруза тезислари кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг матни 141 бетдан иборат бўлиб, унда 28 та жадвал, 12 та расм, иккита диаграмма ва саккизта илова мавжуд.

ДИССЕРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Таълим соҳасининг ривожланиши, кўп жихатдан, уни самарали молиялаштириш даражасига боғлиқ. Бюджет ресурсларининг чекланганлиги шароитида таълимни молиялаштиришдаги бош вазифа – унга ажратилаётган давлат харажатларини оптималлаштириш ва улардан фойдаланишнинг самарали йўллари излаб топишдир.

“Самарали молиялаштириш”нинг иқтисодий моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун, энг аввало, “молиялаштириш”нинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятидан огоҳ бўлмоқ лозим. Бу борада олимларнинг турлича қарашлари мавжуд. Хусусан, А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг фикрича, молиялаштириш бу “иқтисодиёт субъекти фаолиятининг пул билан таъминланишидир”¹. Т.Маликов ва Н.Ҳайдаровлар назарида “Молиялаштириш дейилганда, режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади. У пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади”². Учинчи гуруҳ Абдуллаева Ш., Қоралиев Т. каби иқтисодчилар молиялаштиришни “пул билан таъминлаш”, “мблағ ажратиш” маъносида талқин этишади.

Мазкур таърифларни синтезлаштирган ҳолда молиялаштириш тушунчасига, бизнингча, қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Молиялаштириш бу муайян бир фаолиятга тегишли субъектларнинг молиявий маблағларини йўналтиришдир. Бошқача қилиб айтганда, молиялаштириш бу муайян аниқ харажатни амалга ошириш мақсадида молиявий маблағларни ҳаракатга келтириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир”.

Фикримизча, “самарали молиялаштириш” ҳамда “молиялаштириш самарадорлиги” тушунчаларини ҳам бир-биридан фарқламоқ лозим. Ушбу тушунчалар, энг аввало, ишлатилиш ўрнига қараб бир-биридан фарқланади. Хусусан, “самара” ибораси муайян фаолият натижасида олинган маҳсулот ёки хизматнинг мутлоқ қўламини изоҳласа, “самарали молиялаштириш” тушунчаси маълум тадбирни амалга ошириш учун молиявий маблағларни оптимал режалаштириш ва мақсадга мувофиқ йўналтиришни англатади. Бунда, ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган ва мақбул деб белгиланган харажатлар сметаси муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, “молиялаштириш самарадорлиги” тушунчаси ажратилган молиявий маблағлардан қай даражада фойдаланганликни ифодалайди.

Халқ таълими харажатларини молиялаштиришни ташкил қилиш, биринчи навбатда, ушбу соҳа тўлиқ қамраб олиниши ва улар бўйича ҳисобланиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг мутлоқ ва нисбий даражаларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, халқ таълими тизими харажатларини амалга оширишга асос бўлувчи ва унинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) таълим билан қамраб олинганлигини (ўқувчилар контингентини) тавсифловчи кўрсаткичлар; 2)

¹ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2006. -Б.388.

² Маликов Т., Ҳайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. –Б.192.

таълимнинг моддий-техника базасини тавсифловчи кўрсаткичлар; 3) таълим харажат-ларини амалга ошириш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлари молиялаштириш объектини ифодалайди ва “Молиялаштиришга қандай таъсир этмоқда?”, “Бу таъсир нимада намоён бўлмоқда?”,- деган саволларга жавоб беради. Таълимнинг миллий тизимига асосланган ҳолда биринчи гуруҳ кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин, (1- жадвал).

1- жадвал

**Таълим билан қамраб олинганлигини
тавсифловчи кўрсаткичлар**

т/р	Харажатлари режалаштирилган объектлар	Ёш
Контингент		
1.	Мактабгача таълим билан қамраб олиш коэффициенти (K_1)	2-6
2.	Бошланғич мактаб билан қамраб олиш коэффициенти (K_2)	7-11
3.	Умумий ўрта мактаб билан қамраб олиш коэффициенти (K_3)	12-16
4.	Ўрта махсус касб-ҳунар таълим (лицей, академ лицей, коллежлар) билан қамраб олиш коэффициенти (K_4)	17-19
5.	Олий таълим билан қамраб олиш коэффициенти (K_5)	20-25
5.1.	Бошланғич олий таълим (бакалаврият) билан қамраб олиш коэффициенти ($K_{5,1}$)	20-23
5.2.	Олий таълим (магистратура) билан қамраб олиш коэффициенти ($K_{5,2}$)	24-25
6	Олий таълимдан кейинги таълим билан қамраб олиш коэффициенти (K_6)	26-31
6.1.	Стажёр илмий тадқиқотчи (аспирантура) билан қамраб олиш коэффициенти ($K_{6,1}$)	26-28
6.2.	Катта илмий ходим билан қамраб олиш коэффициенти ($K_{6,2}$)	29-31

Харажатлар тўловининг умумий ҳажмида таълим тизими моддий техник базасини мустаҳкамлашга ажратилган маблағлар салмоғи соҳа ривожини учун катта аҳамиятга эга. Бинолар ва иншоотлар, электрон ҳисоблаш машиналари, аудио, видео ва нусха кўпайтирувчи техника, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, алоқа ва транспарт воситалари, фаолиятининг тегишли йўналишларига мос бўлган жиҳозлашга сарфланган молиявий маблағлар маблағ билан таъминлаш объектининг таркибини ифодалайди. Қуйидаги кўрсаткичлар халқ таълими моддий техника ва ўқув лаборатория базаси харажатларини амалга ошириш учун асос бўлади: 1) ўқув майдонининг меъёрларга мос келиши коэффициенти (K_7); 2) ижтимоий-маиший таъминот коэффициенти (K_8); 3) спорт майдонлари ва иншоотлари билан таъминланганлик коэффициенти (K_9); 4) ўқувчиларнинг компьютерлар билан таъминланиш даражаси коэффициенти (K_{10}).

Биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичлари бевосита таълим харажатларини амалга ошириш учун асос ролини бажаради. Уларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида олинган кўрсаткичлар молиявий

маблағларнинг миқдорий жиҳатдан тақсимланганлигини ифодалайди, холос. Бу кўрсаткичлар таълимга ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ўзида акс эттира олмайди. Гап бу ўринда маблағ билан таъминлаш, харажатлар самарадорлиги ва пировардида таълим сифатини ошириш тўғрисида бормоқда. Маълумки, таълим тизимида сифатни оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири соҳани маблағ билан таъминлашнинг давлат меъёри ёки мезонлари масаласидир. Шу муносабат билан, амалдаги тартибга кўра, таълим харажатлари белгиланаётганда ўтган йиллардаги амал қилган харажатлар асос сифатида олинади. Ҳолбуки, таълимни маблағ билан таъминлаш тизимини ислоҳ этган таракқий этган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, таълимни бюджетдан молиялаштиришда умумтаълим муассасаларини сақлаш учун харажатларнинг турлари бўйича меъёрлаштириш усулидан кўра, бир ўқувчига ўртача меъёрлар асосида молиялаштириш энг мақбул йўл ҳисобланади. Бунинг ёрқин мисоли Шарқий Европа давлатларидир. Уларда таълимни молиялаштиришнинг бош омили ўқувчилар сони бўлиб, бунда қишлоқ билан шаҳар орасидаги фарқ ҳам ҳисобга олинади. Масалан, Венгрияда муниципалитетлар мактабларга ўз бюджетларидан ўқувчилар сонига асосланган ўртача меъёрга кўра фойдаланиш ҳуқуқини берадилар ва шу орқали маҳаллий таълимни оқилонлаштиришга эришилган.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, таълимни молиялаштириш самарадорлигини тавсифловчи III гуруҳ кўрсаткичларига, фикризмизча, қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин: 1) битта ўқувчига тўғри келадиган давлат бюджети харажатлари (таълим бўғинлари кесимида) (K_{11}); 2) бошланғич таълимни тўлиқ олган ўқувчилар улуши (d_1); 3) умумий ўрта мактаб таълимини тўлиқ олган ўқувчилар улуши (d_2); 4) умум махсус касб-хунар таълимини тўлиқ олган ўқувчилар улуши (d_3); 5) бошланғич олий таълимни тўлиқ олган бакалаврлар улуши (d_4); 6) олий таълимни тўлиқ олган магистрлар улуши (d_5); 7) бюджет маблағларини режалаштиришнинг қиёсий коэффиценти (K_{12}); 8) бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва уларнинг сарфланиш коэффиценти (K_{13}).

Барча қайд қилинган 3 гуруҳдан иборат кўрсаткичлар мамлакат халқ таълим тизими, вилоят, туман ва ҳар бир ўқув муассасаси кесимида ҳисобланиши мумкин. Шу билан бир қаторда, ҳар бир кўрсаткич динамикада, режа, ўрнатилган мезонлар, мос объектларга қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниши мумкин. Бу ерда санаб ўтилган усулларнинг айримлари қўшимча усул ҳисобланса, айримлари бошқаларини алмаштириш учун қўлланилади. Айрим кўрсаткичларнинг қўлланиш соҳаси кенг бўлса, айримлариники эса чекланган. Муайян шароитда қайси кўрсаткичлар қўлланиши қатор омиллар билан белгиланади.

Халқ таълимини маблағ билан таъминлаш, харажатлар самарадорлигини аниқлаш муайян хизмат турига харажатларнинг ўзини оқлаганлигини тушунтиришда ёрдамлашади, у ёки бу молиявий сиёсатни кенгайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш зарурати ҳақидаги қарорларини қабул қилиш имконини беради, муқобил чора-тадбирларнинг самарадорлигини қиёсий таққослашга ёрдамлашади ва энг муҳим натижалар учун жавобгарликни

кучайтиради. Шунингдек, самарадорлик кўрсаткичлари мазкур соҳанинг ривожланиши борасида “Биз фарқлашни қай даражагача ўтказамиз? Жойларда натижалар қандай? Биз вазиятни қандай яхшилашимиз мумкин?” каби айрим муҳим саволларга жавоб беради.

Бизнинг фикримизча, d_1 , d_2 , d_3 , d_4 , ва d_5 коэффициентлари нуқтаи назардан самарадорликка қуйидагича баҳо бериш мумкин. Агар ҳар бир коэффициентининг қиймати, 0,55 дан кичик бўлса, у ҳолда самарадорлик - “қониқарсиз”; 0,55-0,75 оралиғида бўлса, у ҳолда самарадорлик - “қониқарли”; 0,76-0,85 оралиғида бўлса, у ҳолда самарадорлик - “яхши”; 0,86–1,00 оралиғида бўлса, у ҳолда молиялаштириш самарадорлиги - юқори ҳисобланади. Бу коэффициентлар қиймати бирдан ошмаслиги лозим (масалан, $d_1 \leq 1$ бўлиши мумкин).

Халқ таълими харажатларини самарали амалга ошириш ва уларнинг манзиллигини таъминлашга эришиш, устун даражада, қуйидаги умумий тенденциялар ва қонуниятларни инобатга олинишига боғлиқ: а) таълим муассасалари, ундаги ўқувчиларнинг сони ва таркиби, динамикасидаги умумий тенденциялар; б) таълим тизими харажатларини амалга ошириш даражасидаги умумий қонуниятлар; в) таълим тизими харажатларини амалга ошириш самарадорлигининг ўзгаришидаги умумий тенденциялар.

Олиб борилган тадқиқотлар мактабгача таълим муассасаларидаги ҳолатни баҳолаш, мавжуд тенденциялар ва муаммоларни аниқлаш имконини берди, (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари¹

т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
		2001	2005	2006	2007	2009	2010
1.	Мактабгача таълим муассасаларининг сони	6865	6495	6413	6329	6232	6135
	1.1. Олдинги йилга нисбатан % да	102,4	97,9	98,7	98,6	98,5	98,4
2.	Уларда тарбияланувчи (1 - 6 ёшгача)ларнинг сони (минг киши)	642,5	565,6	562,2	554,8	559,5	545,0
	2.1. Олдинги йилга нисбатан % да	100,8	88,0	99,3	98,7	98,1	97,4
3.	Мактабгача болалар муассасаларининг болаларни қамраб олиши (тегишли ёшдаги болаларга нисбатан, %)	19,4	19,0	22,0	21,2	21,4	22,5 ²

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

² Қамраб олиш даражасининг ўсиб бориш тенденцияси, тегишли ёшдаги болалар сони ўсиш суръатининг таълим муассасасига жалб қилиниш суръатига нисбатан суғ бўлаётгани билан изоҳланади.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, мактабгача таълим муассасаларининг сони ва ундаги тарбияланувчиларнинг сони йилдан-йилга 0,1-0,3 пунктга камайиб бориш тенденциясига эга. 2010 йилда 2001 йилга нисбатан таълим муассасалари сони 10,6%, улардаги тарбияланаувчиларнинг сони эса 9,8 фоизга камайган². Болалар таълим муассасалари ва уларда тарбияланаётган болалар сони 1991 йилга қараганда сезиларли даражада пасайган¹. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай ҳолат қуйидаги объектив ва субъектив сабаблар туфайли вужудга келган:

- мактабгача ёшдаги болаларни оилада ва мактабгача таълим муассасаларида тарбиялашга нисбатан давлат сиёсатининг ўзгариши²;

- болаларни мактабгача муассасаларда сақлаш учун давлат субсидияларининг қисман қисқариши ва ота-оналарнинг фарзандлари учун пул тўлаш миқдорининг ошиши³;

- демографик вазиятнинг ўзгариши, туғилишнинг камайиши ва мутаносиб равишда болалар боғчалари хизматига эҳтиёжнинг кескин камайиши;

- бозор муносабатлари шароитида иш ўринларининг қисқариши, ишга жойлашишни истайдиган, бироқ бундай имкониятларга эга бўлмаган аёллар сонининг кўплиги, бундай аёлларнинг уйда ўтириши ва мактабгача ёшдаги фарзандларини уйда тарбиялашга мажбурлиги;

- болаларни болалар боғчалари, жумладан, қишлоқ жойларидаги болалар боғчаларида тарбиялаш учун ажратилаётган молиявий ресурсларининг етишмаслиги.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мактабгача таълим муассасалари ва улардаги тарбияланувчилар сонининг камайиб бориши баробарида болаларни ушбу муассасаларда қамраб олиш кўрсаткичи ошиб бориш тенденциясига эга. 2010 йилда 2001 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 19,4 фоиздан 22,5 фоизгача кўтарилган. Бундай ҳол, биринчидан, сўнгги йилларда болаларни ноанъанавий мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг кенгайиб бориши ва иккинчидан, мамлакатимизда тегишли ёшдаги болалар сони ўсиш суръатининг таълим муассасаларига жалб қилиниши суръатига нисбатан суст бўлаётгани билан изоҳланади.

Мактабгача таълим муассасалари билан болаларни қамраб олиш кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз вилоятлари бир-биридан кескин фарқ қилади, (1-диаграмма).


Бу ерда вариацион кенглик 44,7 фоизни ташкил қилган:

$$R = X_{\max} - X_{\min} = 55,6 - 10,9 = 44,7 \%$$

¹ 1991 йилда 9834 та мактабгача болалар муассасасида 1339,5 минг бола, жумладан 173 та болалар ялсисиди 1,5-3 ёшгача бўлган 14,5 минг бола бор эди. Тегишли ёшдаги болаларнинг мактабгача муассасалар томонидан қамраб олиниши 31,5 фоизни ташкил этган.

² Мамлакатда гўдакларни уйда тарбиялашни ташкил этиш мақсадида 3 ёшгача фарзандлари бор аёлларга бола тарбияси учун қисман ҳақ тўланадиган таътил белгиланди. Шундан сўнг оналар фарзандини 3 ёшгача уй шароитида тарбиялаш ва иш ўрнини сақлаб қолиш имконига эга бўлди.

³ Мактабгача ёшда бўлган бир неча нафар фарзандлари бўлган оилалар болалар боғчалари хизматлари учун пул тўлашда молиявий жиҳатдан қийналиб қолди. Молиявий сабаблар туфайли аҳолининг 74,4% мактабгача таълим муассасалари хизматидан фойдалана олмайди. Хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ушбу кўрсаткич жуда пастлигича қолмоқда.



1-диаграмма. Республика вилоятларида мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олиш даражаси, фоиз ҳисобида

Худди шунингдек, вариация коэффиценти эса 48,0 % дан ошган:

$$V = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{X}} = \frac{10,9 \cdot 100}{22,5} = 48,4 \%$$

Харажатлари режалаштирилган объектлар кесимида 9 та вилоятда (6-14 ўриндагилар) болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш кўрсаткичи паст ($\bar{X} = 17,1 \%$), 4 та вилоятда (2-5 ўриндагилар) ўрта ($\bar{X} = 28,6 \%$) ва Тошкент шаҳри эса (1-ўрин) юқори кўрсаткичга ($\bar{X} = 55,6 \%$) эга. Тошкент шаҳрининг Учтепа, Миробод, Юнусобод ва Бектемир туманларида бу кўрсаткич тегишли равишда 66,8%, 63,6%, 63,0% ва 61,0% ни ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич эса Яккасарой туманида кузатилган (37,5 %).

Амалга оширилган тадқиқотлар мамлакатимизда умумий ўрта таълим муассасаларидаги ҳолат ва мавжуд тенденциялар, муаммоларни аниқлаш имконини берди, (3-жадвал).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий ўрта таълим мактабларининг сони ва ундаги ўқувчиларнинг сони йилма-йил камайиб бориш тенденциясига эга. Ушбу пасайиш мактаблар сонида сезиларли бўлмаса-да, мактаб ўқувчилари сонида бу нарса яққол кўринади. Масалан, 2010 йилда 2001 йилга нисбатан мактаб ўқувчилари сони 16,3 ф.п.га камайиб, 76,9 % ни ташкил қилган. Бундай камайиш, аввало, мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилиши билан боғлиқ. Бу жараёнга мамлакатдаги демографик вазиятнинг ўзгариши (аҳоли табиий ўсишининг камайиши) маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган, албатта. Бироқ сўнгги йилларда мактабларнинг умумий сони камаймади, барқарор даражада сақланиб турибди. Натижада мактабларда икки сменада ўқиш сезиларли даражада камайди.

2001-2010 йилларда Ўзбекистонда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар билан характерланади, (4-жадвал).

**Ўзбекистонда умумий ўрта таълим муассасаларининг
асосий кўрсаткичлари (йил охирида)¹**

т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
		2001	2005	2006	2007	2009	2010
1.	Умумтаълим мактаблари сони	9730	9803	9796	9788	9771	9772
	1.1. Олдинги йилга нисбатан %да	100,0	100,1	99,93	99,91	99,90	100,1
2.	Уларда ўқувчиларнинг сони (минг киши)	6058	5948	5707	5393	5047	4709
	2.1. Олдинги йилга нисбатан %да	100,7	97,0	95,9	94,5	93,6	93,3
3.	Ҳар 10000 аҳолига тўғри келган ўқувчилар сони (киши)	240	225	213	201	188	176
	3.1. Олдинги йилга нисбатан %да	99,6	95,0	94,7	94,4	93,7	93,5
4.	Барча таълим муассасаларда таҳсил олаётган ўқувчилар таркибидаги салмоғи (%)	93,2	83,6	80,7	78,3	77,3	76,9

4-жадвалдан кўришиб турибдики, академик лицейлар ва улардаги ўқувчиларнинг сони йилма-йил кескин ошиб бориш тенденциясига эга. Таҳлил қилинаётган давр ичида академик лицейлардаги ўқувчиларнинг сони академик лицейларнинг сонига нисбатан анча юқори суръатда ўсган. Бу қўшимча ўсиш ҳар йили 20-25 фоиз атрофида бўлган бўлса, ўқувчилар сонининг ўсишида эса 25-40 фоизни ташкил қилган. Академик лицейлардаги ўқувчиларнинг сони ҳар 10000 аҳолига нисбатан 7 нафардан 41 нафарга кўпайган, барча таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар таркибидаги салмоғи эса 0,3 фоиздан 1,1 фоизга кўтарилган. Бу даврда касб-ҳунар коллежлари сони ҳам кескин ошган. Агар 2001 йилда уларнинг сони 303 тани ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 1383 тага етган, яъни йилига ўртача 6-10 фоизга қўшимча ўсган. 2010 йилда мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 1581 минг нафар, жумладан 1383 та касб-ҳунар коллеж-ларида 1494 минг нафар, 141 та академик лицейда 87 минг нафар ўқувчи таълим олган. Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг ушбу таълим муассасалари томонидан қамраб олиниши 62,8 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 2006 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг атиги 61 фоизи ишга жойлашиб, ўз мутахас-

¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда “Ўзбекистон” альманахи. 2008 йил. - Т.: 2009, 100 бет маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ҳисобланди.

**Ўзбекистонда академик лицей ва касб-хунар коллежлари
ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (йил бошида)¹**

т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
		2001	2005	2006	2007	2009	2010
1.	Академик лицейлар сони	47	77	99	119	137	141
	1.1. Олдинги йилга нисбатан % да	118,4	118,5	128,6	120,2	112,5	102,9
2.	Улардаги ўқувчиларнинг сони	17,5	37,3	53,1	75,3	84,7	87,1
	2.1. Олдинги йилга нисбатан % да	122,5	122,3	142,3	141,8	122,7	102,8
3.	Ҳар 10000 аҳолига тўғри келган ўқувчилар сони (киши)	7	17	20	28	39	41
	3.1. Олдинги йилга нисбатан % да	123,6	127,9	142,8	140,0	139,3	105,1
4.	Барча таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар таркибидаги салмоғи (%)	0,3	0,5	0,7	1,0	1,0	1,1
5.	Касб-хунар коллежлари сони	303	878	963	1073	1355	1383
	5.1. Олдинги йилга нисбатан % да	125,7	106,2	109,7	111,4	126,3	102,1
6.	Улардаги ўқувчиларнинг сони (минг киши)	217	853	1022	1120	1390	1494
	6.1. олдинги йилга нисбатан % да	364,1	112,5	119,9	109,6	124,1	107,5
7.	Ҳар 10000 аҳолига тўғри келган ўқувчилар сони (киши)	86	323	382	417	518	556
	7.1. Олдинги йилга нисбатан % да	358,3	111,4	118,3	109,2	124,1	107,5
8.	Барча таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар таркибидаги салмоғи (%)	3,2	3,9	4,0	4,3	4,5	4,5

сислиги бўйича эса 45,1 фоиз битирувчи иш билан таъминланган. 79,7 минг киши ёки 33,6 фоиз битирувчи ишга жойлаша олмаган. Бундай ҳол фақат иш ўринларининг етишмаслиги билан боғлиқ эмас. Ишга жойлаштириш муаммосининг бошқа сифат томонлари ҳам бор.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида халқ таълими харажатлари юқори салмоқни эгаллайди, (5-жадвал).

¹ Начальное и среднее образование в Узбекистане. Статистический сборник. -Т.: 2007 г.; Ўзбекистон альманахи. 2008 йил. -Т.: 2009 ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Халқ таълими учун сарфланган давлат бюджети
харажатларининг динамикаси¹**

т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
		2008		2009		2010	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
1.	Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	8197,0	100,0	10761,0	100,0	13733,0	100,0
2.	ЯИМ га нисбатан %	21,7		22,4		22,8	
3.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – жами, шу жумладан:	4249,0	51,8	5901,0	54,8	8113,0	59,1
	3.1. Маориф	2469,0	30,1	3326,0	30,9	4635,0	33,8
	3.2. Соғлиқни сақлаш	934,0	11,4	1256,0	11,7	1704,0	12,4
	3.3. Маданият ва спорт	101,0	1,2	126,0	1,2	160,0	1,2
	3.4. Фан	35,0	0,4	63,0	0,6	84,0	0,6
	3.5. Ижтимоий таъминот	35,0	0,4	46,0	0,4	59,0	0,4
	3.6. Оилаларга ижтимоий нафақалар	636,0	7,8	1039,0	9,7	1412,0	10,4
4.	Иқтисодиётга харажатлар	941,0	11,5	1290,0	12,0	1573,0	11,5
5.	Бошқа харажатлар	2812,0	36,7	3638,0	33,2	4072,0	29,4

5-жадвалдан кўриниб турибдики, халқ таълими (маориф) учун сарфланган харажатлар улуши йилдан-йилга ошиб бориш тенденциясига эга. Охирги йилларда маориф тизимига ажратилган бюджет маблағлари Давлат бюджетидан амалга оширилган жами харажатларнинг 2008 йилда 30,1 фоизини, 2009 йилда 30,9 фоизини ва 2010 йилда эса 33,8 фоизини ташкил қилган.

Маълумки, таълим тизимига мамлакат бюджет тизимининг ҳар иккала поғонасидан маблағлар сарфланади. Таълим тизимининг марказлашган тадбирлари, республика аҳамиятига эга таълим муассасалари, таълим тизimini ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари республика бюджетидан, кенг тармоқли таълим муассасалари эса аксарият маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади. Халқ таълимига давлат харажатларининг муассасалар турлари бўйича таркибий тузилмаси қуйидагилар билан характерланади, (6-жадвал).

Кўриб турибдики, халқ таълими муассасалари таркибида энг юқори салмоқли сарф, яъни 57,7 фоиз умумтаълим мактабларига, иккинчи ўрин эса мактабгача таълим муассасаларига (13,5 %) тўғри келади. 12,8 фоиз сарф касб-хунар коллежлари ва 1,4 фоиз эса академик лицейлар улушини ташкил қилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари улушининг камайиб бориши тенденцияси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу муассасаларга болалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилди.


Ўқув муассасалари кесимида Давлат бюджетидан сарфланган харажатлар
(жами харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида)¹

т/р	Таълим муассасалари	Й и л л а р					
		2004	2005	2006	2007	2009	2010
	Давлат бюджетидан сарфланган жами харажатлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1.	Мактабгача таълим муассасалари	15,6	14,4	14,3	14,0	13,9	13,5
2.	Умумтаълим мактаблари	51,7	54,1	55,8	57,2	58,7	57,7
3.	Академик лицейлар	0,7	1,0	1,2	1,3	1,5	1,4
4.	Касб-хунар коллежлари	7,6	8,4	10,4	11,7	11,9	12,8
5.	Бошқа харажатлар	24,4	22,1	18,3	57,8	14,0	14,6

камрови салмоғининг пасайиб бориши билан изоҳланса, умумтаълим мактаблари учун сарфлар салмоғининг барқарорлиги, бир томондан, академик лицейларнинг ташкил топиши билан изоҳланади, иккинчи томондан эса, 2004 йилда ташкил топган Мактаб таълим жамғармаси томонидан молиялаштирила бошланиши унинг барқарорлигига сабаб бўлган. Шунингдек, ушбу соҳа харажатларининг бир қисми аҳоли маблағлари ҳисобидан ҳам қопланади.

Халқ таълими тизими харажатларини самарали амалга оширишни такомиллаштиришнинг муҳим йўлларида бири – бу халқ таълими тизимига ажратилган харажатларнинг оптимал чегараларини ҳамда бюджет ва нобюджет маблағларидан фойдаланишда режалаштириш даври ва интервали чегарасини тўғри аниқлашдир, (1-расм).

Режалаштириш интервали ва прогнозаштириш чегараси



1-расм. Режалаштириш даври, вақти ва башоратлаш чегаралари модули

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига белгиланган режа ва амалий бажарилиш маълумотлари асосида тузилган.

Харажатларни амалга оширишнинг бундай усули хусусида баҳс-мунозара, таҳлика ва бу хил жараён параметрларини ўлчаш ва баҳолаш тажрибасидан келиб чиқиш муҳимдир. Харажатларни амалга оширишда юқоридагиҳолатларни эътиборга олиш зарур. Бунинг замирида ётган муаммо, айнан нимани ўлчаш, қандай андозаларга таяниш ва қандай услублар ёрдамида аниқлаш ва харажатларни амалга ошириш лозимлиги каби саволлар мажмуи билан белгиланади. Ушбу саволларга жавобни SWOT таҳлил усулини қўллаш ёрдамида олиш мумкин.

Бу усулдаги таҳлил халқ таълими тизимининг кучли ва заиф томонлари, уни харажатларини самарали амалга ошириш имкониятлари ва шу баробарда харажатларни амалга ошириш жараёнига таҳдид солувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш имконини беради. Масалан, заиф томонлар ички омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларни инobatга олган ҳолда маблағ билан таъминлаш истиқболини белгилаш мумкин бўлса, таҳдид таълим тизимида рақобатчилик муҳитини ривожлантиришга имконият яратиб беради.

Х У Л О С А

Тадқиқот ишида қуйидаги **илмий хулосаларга** келинди:

1. Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишининг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради;

2. Молиялаштириш жараёнига баҳо бериш “самарали молиялаштириш”, “молиялаштириш самарадорлиги” тушунчалари моҳиятини аниқроқ талқин қилишни талаб қилади. “Самарали молиялаштириш” деганда муайян тадбирни амалга ошириш учун молиявий маблағларни оптимал режалаштириш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш тушунилади. “Молиялаштириш самарадорлиги” тушунчаси эса ажратилган маблағлардан қай даражада фойдаланганликни ифодалайди;

3. Таълимга ажратилган маблағлар ўз аксини харажатларда топади. Таълим харажатлари деганда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги барча таълим муассасаларининг таъминоти, раҳбарлиги, инспекцияси ва унга ёрдам бериш учун сарфланадиган, шунингдек, белгиланган тартибда таълим муассасаларида таълим соҳаси ходимларининг ишсиз деган расмий мақом олганлар учун харажатлар мажмуи тушунилади;

4. Халқ таълими тизими харажатларини самарали амалга оширишни ташкил қилиш биринчи навбатда харажатлари режалаштирилган объектларини тўлиқ қамраб олиниши ва улар бўйича ҳисобланиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг мутлоқ ва нисбий даражаларига боғлиқ;

5. Таълим тизимининг бюджет ҳисобидан харажатларини амалга оширишда умумтаълим муассасаларини сақлаш учун харажатларни турлари бўйича меъёрлаштириш усулидан кўра бир ўқувчига ўртача меъёрлар асосида харажатларни амалга ошириш кўрсаткичи мақбул йўл ҳисобланади;

6. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда таълимни ривожлантиришда ва уни молиялаштиришда давлат юқори улушга эга бўлиб, ушбу давлатларда нодавлат таълим тизими анча ривожланган. Фикримизча, ушбу тажрибани

қўллаш, яъни бундай муассасаларни мамлакатимизда ташкил қилиш ўринлидир. Чунки, бу тадбир таълим сифати ва молиявий аҳволини яхшилаш борасида самарали восита бўла олади;

7. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг, умумий ўрта таълим мактабларининг сони ва улардаги тарбияланувчилар, ўқувчиларнинг сони йилма-йил камайиб бориш тенденциясига эга. Аксинча, республикада академик лицей ва касб-хунар коллежларининг сони кескин ўсиш тенденциясига эга. Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагоглар сони 90-йилларнинг бошида кескин камайган бўлса-да, сўнгги йилларда уларнинг сони барқарорлашиб, ўсиш тенденциясига эга;

8. Ўтиш даври иқтисодиёти ва иқтисодий қийинчиликлар таъсири билан боғлиқ муаммолар таълим соҳасида, жумладан, 2000 йилгача бўлган даврда тақсимланган ресурсларнинг реал қийматининг анча камайишига сабаб бўлди. Хусусан: а) 1999 йилгача таълимга капитал инвестицияларни сарфлаш учун давлат харажатлари кескин камайиб кетди; б) 2001 йилгача таълимга жорий давлат харажатларининг умумий реал қиймати камайди; в) ўқитувчилар ва техник ходимлар иш ҳақи учун бошқа жорий харажатлар зарарига йўналтириладиган жорий бюджет улуши анча кўпайди ва умумий тақсимланган бюджет маблағларига нисбатан фоиз ҳисобида унинг даражаси юқориликка қолмоқда. Бироқ, бунда педагоглар иш ҳақи миқдори бошқа давлат тармоқларига қараганда ҳамон пастлигича қолмоқда; г) ўқув-услугий материалларни яратиш ва сарфланадиган материаллар харид қилиш учун маблағлар камайтирилди ва у пастлигича қолмоқда; д) ходимлар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун сарфланадиган харажатлар камайтирилди;

Мамлакатимизда таълим соҳаси харажатлари билан боғлиқ асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: а) ўқувчи/ўқитувчи ўртасидаги сон нисбати коэффицентининг пастлиги, синфнинг ўртача тўлиши, ўқитувчилар юкламасидаги номутаносиблик, ўқитиш жараёнида иш билан банд бўлмаган техник ходимларнинг ортиқчалиги, эскирган инфратузилма ва ускуналардан экстенсив фойдаланиш ва ҳ.к.; б) таълим харажатларини амалга ошириш борасида ва таълимдан фойдаланиш соҳасида ҳудудий тенгсизлик даражасининг ўсиши, кам таъминланган қишлоқ оилаларига салбий таъсир кўрсатмоқда; в) ўрта махсус таълимда таълим хизматлари сифатнинг пастлиги; г) таълим хизматларининг бозор иқтисодиёти талабларига номувофиқлиги; д) ота-оналар таълим борасидаги кўшимча чиқимларининг кўпайиши; е) таълим учун ажратилаётган маблағлар салмоғининг ЯИМда юқорилиги сабабли янада кўпроқ маблағ сарфлаш учун имконият қолмаётганлиги;

9. Ҳукумат томонидан сўнгги йилларда кўриладиган чоралар туфайли таълим соҳасидаги сарф-харажатларнинг кўлами, унинг номинал ва реал қиймати кейинги беш йил давомида кўпая бошлади. Ҳукуматнинг таълимга нисбатан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажараётгани ушбу соҳага инвестиция сарфлаш даражаси юқори эканлигидан далолат бермоқда.

Диссертация ишида халқ таълимини молиялаштириш йўллари такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, таълим тизимида даромадлар базасини кенгайтиришга қаратилган фаолиятларни ривожлантиришда умумтаълим муассасаларида куни узайтирилган гуруҳлар сонини ошириш, спорт турлари билан шуғулланиш гуруҳлари, чет тиллари, математика ва инфор­мацион технологиялар каби фанларни чуқур ўзлаштириш бўйича махсус (пуллик) гуруҳлар ташкил қилиш зарур;

2. Умумтаълим муассасаларининг маблағларини тақсимлаш бўйича ваколатларини кенгайтириш ва таълим сифати талабларини ошириш орқали олий ўқув юртлари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш, уларни бюджетдан ташқари даромад олишлари учун қўшимча имкониятларни яратиш мақсадга мувофиқ;

3. Марказий иссиқлик тизими­га уланган умумтаълим муассасаларини табиий газ ёки бошқа арзон ёқилғи билан иситиш тизими­га ўтказиш орқали бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришмоқ лозим;

4. Умумтаълим мактаблари харажатлар сметаларида бюджет маблағ­лари жон бошига нисбатан режалаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда коммунал тўловлар бўйича режалаштирилган маблағлар сметасига туман молия бўлимлари томонидан заруриятдан келиб чиқиб, ўзгартириш киритиш ваколатини бериш керак;

5. Таълим бир нечта тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари (бу мактабларда синфларнинг тўлдирилиши паст даражада) бюджетини ҳисоблашда базавий меъёрларни қўлламаган ҳолда, ҳақиқий харажатларидан келиб чиқиб, мактаб бюджетини башоратлаш зарур;

6. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг харажатлар сметасига киритилган ўзгаришларни ўз вақтида ғазначилик дастурига киритиш, ўз муддатида белгиланган харажатларни амалга оширишни таъминлаш мақса­дида ғазначилик дастурини молия органлари дастурлари билан мувофиқлаштирган ҳолда унификациялаш лозим;

7. Халқ таълими харажатларини режалаштириш ва амалга оширишга асос бўлувчи ҳамда уларнинг амалга ошириш самарадорлигини тавсифлашда қуйидаги уч гуруҳдаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: а) таълим билан қамраб олинганликни (ўқувчилар контингентини) тавсифловчи кўрсаткичлар; б) таълимнинг моддий-техника базасини тавсифловчи кўрсаткичлар; в) таълим тизими харажатларини самарали режалаштириш ва амалга ошириш ҳамда харажатларни амалга ошириш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;

8. Халқ таълими тизими харажатларини самарали молиялаштиришни амалга ошириш учун қуйидагиларга қатъий риоя қилиш мақсадга мувофиқ: а) таълим тизимини маблағ билан таъминлаш ҳамда харажатларини амалга оширишда тизимнинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларига жалб

қилинадиган бошқа пуллик хизматлар тушумларни кўпайтириш моделидан фойдаланиш ва уни кенгайтириш; б) оқилона меъёр асосида болалар боғчаларини ҳомийлар томонидан улушли молиявий ёрдам кўрсатиш тартибларини ва шу билан бирга молиявий ёрдам ажратган ҳомий ташкилотларга солиқ имтиёзлари беришни кенгроқ жорий қилиш; в) таълимнинг барча босқичи учун бюджет маблағларини нафақат бир ўқувчига, шу билан бир қаторда аҳоли жон бошига қараб ажратиш принципига ўтиш; г) мажбурий пуллик тизимни жорий қилиш, хусусан, “Ўқувчиларнинг ота-онасини мажбурий пулли таълим хизматидан фойдаланишдаги жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги қонуннинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; д) пуллик ўқитишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва замон талабига мослаштириш; е) таълим хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг молиявий таъминоти барқарорлигини ошириш, уларга нисбатан солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш; ё) хусусий ўқув муассасалари, хусусий бизнес мактаблари, хусусий тайёрлов курсларини ташкил этишни эркинлаштириш; ж) хориждан талабаларни ўқишга қабул қилишни кенг йўлга қўйиш; з) таълим соҳасида банд бўлган ўқитувчилар иш ҳақини бошқа тармоқларда банд бўлганлар, хусусан, саноат тармоғидаги ўртача иш ҳақиға яқинлаштириш зарур;

9. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб Республикамизда халқ таълими муассасалари учун марказлаштирилган тартибда харид қилинадиган ўқув мебель жиҳозларни харид нархларининг кўтарилиб кетишини олдини олиш мақсадида бюджетдан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш учун Ўзбекистон товар хом ашё биржасига киритилаётган сўровномаларни мукамал таҳлил этган ҳолда киритиб бориб, биржа савдоларида актив иштирок этишни йўлга қўйиш, ушбу масалалар билан шуғулладиган мутахассисларнинг малакасини ошириш лозим. Шунингдек, халқ таълими муассасалари учун керак бўлган компьютер синфлари, лингафон хоналарига жиҳозлар сотиб олишдаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, республика ташқарисидан олиб келинадиган жиҳозларни марказлашган тартибда, республикада ишлаб чиқарилаётган таълим муассасалари учун керакли бўлган жиҳозларни эса марказлашмаган тартибда сотиб олиш мақсадга мувофиқ;

10. Халқ таълими муассасаларида бюджетдан ташқари даромадларни ҳисобга олиш бўйича умумий тартиб ўрнатиш керак;

11. Умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш мақсадида мактабларга малакали педагогларни жалб қилиш ва таълим жараёнида фаол иштирок этаётган ўқитувчиларни қўшимча рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этмоқ лозим;

12. Халқ таълими тизими харажатларини молиялаштиришни амалга оширишда унинг манзиллигини таъминлаш мақсадида SWOT таҳлил усулини қўллаш керак.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштириш // Назария ва амалиёт -Тошкент, 2009. -2.0 б.т. (рисола).
2. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини молиялаштиришнинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти // Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2009. -№1. –Б.104-105.
3. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштириш // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2008. -№ 4. -Б. 85-87.
4. Дўстмухаммад Х.У. Таълим тизимида молиявий ресурсларнинг ижтимоий аҳамияти // Таълим менежменти. - Тошкент, 2010. -№2. -Б. 75-79.
5. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълими муассасалари, ўқитувчилари фаолиятини молиялаштиришни оқилона ташкил этиш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2010. -№3. -Б. 75-79.
6. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълими самарадорлигини оширишнинг молиявий жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. – Тошкент, 2009. -Б.352.
7. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълими тизимида истиқболли режалар // Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асари. –Тошкент, 2010. -Б.181.
8. Дўстмухаммад Х.У. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида халқ таълимини молиявий ислоҳ этишни чуқурлаштириш // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат. –Тошкент, 2009. -Б.301.
9. Дўстмухаммад Х.У. Пути повышения эффективности финансирования народного образования //Двадцать вторые международные Плехановские чтения. – Москва, 2009. -С.29.
10. Дўстмухаммад Х.У. Совершенствования финансовой системы народного образования // «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса».- Ташкент,2010. -С.140.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Дўстмуҳаммад Хусан Усмон ўғлининг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича «Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: молия, молиявий ресурслар, молиялаштириш, халқ таълими тизими, SWOT усули, таълим харажатлари, башоратлаш чегаралари модули, давлат бюджетининг ғазна ижроси, ғазначилик.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган муассасалар.

Ишнинг мақсади: халқ таълимини молиялаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: илмий абстракция, иқтисодий-статистик таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мамлакатни модернизациялаш шароитида халқ таълими тизими харажатларини амалга оширишга оид иқтисодий тушунчаларга аниқликлар киритилди; халқ таълимининг ҳолати баҳоланди ва ушбу соҳа харажатларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди; халқ таълими тизими ретроспектив таҳлили қилинди ва охириги ўн йилликда унга хос бўлган умумий тенденциялар аниқланди; Ўзбекистонда халқ таълими тизими харажатларини амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди; харажатларни амалга ошириш ва уларни башоратлаш соҳасидаги асосий тенденциялар аниқланди; SWOT таҳлил усулида халқ таълими тизими харажатларини амалга ошириш соҳасидаги кучли ва заиф томонлар, харажатлар мақсадли-манзиллигини такомиллаштириш борасидаги имкониятлар ва маблағ билан таъминлашга таҳдид этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланди; халқ таълими тизими харажатларини молиялаштиришни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида олинган илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан халқ таълимини ривожлантириш борасидаги умумдавлат ва ҳудудий мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот жараёнида олинган ишланма ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Дустмухаммада Хусана Усман углы на тему: «Пути организации эффективного финансирования народного образования», представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит».

Ключевые слова: финансы, финансовые ресурсы, финансирование, система народного образования, метод SWOT, расходы на образование, модуль границ прогнозирования, казначейское исполнение государственного бюджета, казначейство.

Объект исследования: организации, функционирующие в системы народного образования Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленные на совершенствование организации финансирования народного образования и повышения его эффективности.

Методы исследования: научная абстракция, экономическо-статистический анализ, анализ и синтез, сравнительный анализ, монографическое наблюдение.

Полученные результаты и их новизна: уточнены экономические понятия, связанные с осуществлением расходов в системы народного образования в условиях модернизации экономики; разработаны система показателей, определяющие состояния народного образования и характеризующие расходы данной сферы; ретроспективно проанализирована система народного образования и определены общие тенденции его развития в течении последних десяти лет; изучены возможности использования опыта зарубежных стран в осуществлении расходов народного образования в Узбекистане; определены основные тенденции в осуществлении и прогнозирования расходов на народное образование; путем использования метода SWOT определены сильные и слабые стороны финансового обеспечения в системе народного образования, внутренние и внешние факторы, препятствующие финансовому обеспечению и возможностям их улучшения; разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на эффективное финансирование расходов системы народного образования и повышения их эффективности.

Практическая значимость: научные выводы и практические рекомендации диссертации могут быть использованы в разработке общегосударственных и региональных целевых программ по развитию народного образования, и при принятии управленческих решений.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные в процессе исследования научные предложения и практические рекомендации приняты к внедрения Министерством Народного образования Республики Узбекистан. Материалы диссертации могут быть использованы в учебных заведениях в процессе преподавания предметов «Финансы» и «Государственный бюджет».

Область применения: Министерства финансов, Министерство народного образования, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Dustmukhammad Khusan Usmon ogly on the presented to subject: “Priority directions of effective financing the people’s education” the academic degree competition of the candidate of Economics sciences, on specialty 08.00.07 – Finance, money circulation and credit.

Key words: liberalization of economy, modernization, financing, system of people’s education, efficiency, SWOT method, planning of expenses.

Subjects of the inquiry: as an object of research the system of people’s education in Uzbekistan, its structural subdivisions and their financial provision were chosen.

Aim of the inquiry: to study peculiarities of financing of people’s education in Uzbekistan, working out the appropriate proposals and recommendations for provision with effective management by financial means.

Methods of inquiry: scientific abstraction, economical and statistical analysis, analysis and synthesis, comparative analysis, monographic observation.

The results achieved and their novelty: in the work financing the people’s education in Uzbekistan and the problems of their development were researched in the monographic plan for the first time. This work promotes not only the theoretical enrichment of the given direction of economical science, but acquires an important value for further effective financing the people’s education; there was given a new economical definition of financing the people’s education in the conditions of liberalizations and modernization of economics; on the basis of analysis of sorts and sources of financing there were revealed the positive and negative aspects of directions in streams of means.

Practical value: scientific conclusions and practical recommendations of the dissertation can be used in conducting subsequent researches in this direction, working out the national and regional programmers having the people’s education and as well as while adopting administrative decisions.

Degree of embed and economic affectivity: the main content of the research and conclusions have found their reflection in the reports of the author at the scientific and theoretical seminars and conferences. According to the content of dissertation there were published 1 brochure, 4 papers and 5 theses. The total volume of publications is 6.1 typographical units.

Sphere of usage: economics and finance.

Тадқиқотчи _____